

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Қх.126.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯКУБОВ ФАРРУХ КАМИЛЖАНОВИЧНИНГ**

**ҚАЙРАҒОЧ ДАРАХТИ БИОЦЕНОЗИДА УЧРАЙДИГАН  
ЗАРАРКУНАНДАЛАР БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАР СОНИНИ  
БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

**06.01.09 – Ҷсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии  
(PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Якубов Фаррух Камилжанович**

Қайроғоч дарахти биоценозида учрайдиган зараркундалар биоэкологияси  
ва улар сонини бошқариш усуллари. .... 3

**Якубов Фаррух Камилджанович**

Биоэкология встречающихся в биоценозе карагача вредителей и методы  
управления их численностью .....21

**Yakubov Farrukh Kamiljanovich**

Pest bioecology found in elm tree biocenosis and methods for managing their  
numbers.....37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....41

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Қх.126.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯКУБОВ ФАРРУХ КАМИЛЖАНОВИЧНИНГ**

**ҚАЙРАҒОЧ ДАРАХТИ БИОЦЕНОЗИДА УЧРАЙДИГАН  
ЗАРАРКУНАНДАЛАР БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАР СОНИНИ  
БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

**06.01.09 – Ҳимикларни химой қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Qx1077 рақам билан руйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетига бажарилган. Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.andqxi.uz](http://www.andqxi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Эсанбоев Шамси  
биология фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:** Юсупова Махпуза Нумаиовна  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Шукуров Хушвақт Мамасалиевич  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етагачи ташкилот:** ЎЗРФА Зоология институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ҳимояси Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти хузуридаги илмий даражадар берувчи PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг 27.12 2023 йил соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Тел.: (74) 373-10-54; факс: (74) 373-13-63; э-маил: [agai-info@edu.uz](mailto:agai-info@edu.uz) Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 6205219 рақами билан руйхатга олинган). Манзил: 100164, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Тел.: (74) 373-10-54

Диссертация автореферати 2023 йил «15» 12 да тарқатилди.  
(2023 йил «15» «12» № 46 даги рақамли реестр баёниомаси.)



**А.Исашов**  
Илмий даражадар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

**А.Н.Жўраев**  
Илмий даражадар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д. (PhD), доцент.

**К.С.Комиллов**  
Илмий даражадар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.н. профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ўрмон ҳудудлари 4 миллиард гектардан ортиғини ташкил этиб, кесиб йўқотилаётган ва ушбу ҳудудлардан бошқа максалларда фойдаланаётган майдонлар 13 млн гектарни ташкил этади. “ФАО маълумотларига кўра ўрмон ҳудудларининг зарарли хашаротлар билан зарарланган майдони 35 млн га майдондан ошиб кетган. АКШ ва Канадада фақатгина бир турдаги зараркунанда (*Dendroctonus ponderosae*) тарқалиши оқибатида 11 млн гектар ўрмон ҳудудлари зарарланган”<sup>1</sup>. Ўрмон ҳудудларини саклаб қолиш, уларнинг санитар ҳолатини яхшилаш бўйича, халқаро ташкилотлардан БМТ(UNDP), GTZ, ФАО лойиҳалар ташкил этилиб, бу бўйича ижобий натижаларга эришилмоқда.

Дунё ўрмончилигида олиб борилган гаддикот натижларига кўра ўрмон биоценозида катта иқтисодий зарар етказётган зараркунанда *Coleoptera* ва *Lepidoptera* туркум вакиллари ҳисобланади. Лекин ўрмон биоценозида уларнинг энтомофағларидан 50 мингдан ортиғи паразит турлар бўлиб, уларнинг асосийларини *Trichogrammatidae*, *Scelionidae*, *Ichneumonidae*, *Braconidae*, *Ptelomalidae*, *Eulophidae*, *Chalcididae* оила вакиллари ташкил этади. Улар ўрмон зараркунандаларини сонини бошқариб туради. Сўнгги йилларда табиатни шиддат билан ўзлаштириши натижасида зараркунандалар популяцияси кескин ортиши ва қарши кураш бир неча баробарга мушкуллашганини кўришимиз мумкин. Ўсимликларни химоя қилиш усулларини, янги нанотехнологиялар яратиш, қўллаш ва кенг жорий қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кенг тарқалган ўрмон дарахтлари зараркунандалари, кайрағоч зараркунандаси, шаҳар мўйловдори, дарахт сассиқхўри, ток ипак қурти, куялар, пўстлокхўрлар, арракашлар, калкандорлар ва баргўровчи зараркунандаларга қарши курашиш ўта долзарб муаммолардан бирига айланган. Айниқса, мамлакатимизнинг шимолий ҳудудидаги ўрмон дарахтлари зараркунандалар билан катта иқтисодий зарар кўрмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”<sup>2</sup> ПҚ-4850-сонли қарориди ўрмон ва манзарали дарахтлардаги зарарли организмларга қарши кураш воситаларини қўллаш услубларини ривожлантириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Мазкур вазифаларни амалга оширишда зараркунандаларга қарши курашда табиатда зараркунандалар миқдорини бошқаришни ўрганиш, инновацион қарши кураш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси қонуни ЎРҚ-409-сон қонуни 2016 йил 21 сентябрдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар

<sup>1</sup> FAO.org.Forest health, 2010

<sup>2</sup> <https://lex.uz/uz/docs/-4487068>

киритиш хақида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги “Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора тadbирлар тўғрисида” ПҚ-4424-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги “Ўсимликлар карантини тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида ЎРҚ-484-сон қонуни ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши асосий устувор йўналишларга боғлиқлиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг қуйидаги устувор йўналишларига мос равишда бажарилган: V. “Қишлоқ ҳўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” ва ИТД-7. “Табиатдан оқилона фойдаланиш ва экология”.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда *Coleoptera* туркуми вақиллари биологик хусусиятлари, ривожланиши ва ўрмон дарахт турлари бўйича зарарлилик даражаси, энтомофаг турлари, улар микдорини бошқариш бўйича Ким Н., Крейцберг В.Г., Эсанбоев Ш., Қаландаров М., Гершун М.С. Воронцов А. И., *Cerambycidae*, *Buprestidae* ва *Chrysomelidae* популяциясининг ривожланишида экологик, антропоген омиллар ва уларнинг таъсири ривожланиш динамикаси бўйича Кулинич П.Н., Махновский И.К., Плавильщиков Н.Н., Прутенский Д.И., Романенко К.Е., Ягдыев А.Я., Мамаев Б.М., Плавильщиков Н.Н., Прутенский Д.И., *Xanthogaleruca luteola*нинг озуқа ихтисослиги, зарарқунанда микдорини бошқаришда самарали усул ва воситаларни қўллаш, самарадорлигини аниқлаш бўйича Кадыров А., Зайдов П., Додобоев Х., Крыжановский О.Л. ўз илмий ишларида тадқиқ этганлар.

Дунё бўйича бир қанча олимлар ҳам *Xanthogaleruca luteola*нинг биоэкологик жиҳатларини ўрганиш ва маълум даражада ўрмон энтомофаунси ва ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш соҳаси бўйича Аршад М & Ҳафиз И.А, Билу С., Мехл О., Сарлетон, Т. Ж., Чикатунов, В., Кравченко, Дорчин, Й., Миллер Г., Сowler, Р. М, Рундел, П. W., Ламонт, Б.-б.]; Арроё, М. К., Арианоутсоу М, Доддс, К. Ж., С. Граебер, Степхен Ф. М.лар излашинлар олиб борган, қайрағоч зарарқунандаларини систематик таҳлили, биологияси бўйича Линслей, Е.Г., Фаррашиани МЕ, Шамоҳаммади Д, Садегхи СЕ., Фриедман, А. Л. Л., Риттнер О., Чикатунов, В. И., Гианфрансо Сама, Жёрн Бусе, Ейлон Орбач, Ариел-Леиб-Леонид Фриедман, Ханкс Л. М., Сама Г., ўрмон худудларида зарарқунандаларни микдорини бошқариш бўйича Мачадо, В. С., Ботеро Ж.П., Сарелли А., Супелло М., Куинтино Х.Й., Симбес Марианна В.П., Акбулут С., Стампе W.T., Бенсе У. Баселга А. ва бошқалар тадқиқотлар бўйича ўрганганлар.

**Диссертация мавзусининг бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот режасига киритилган №ҚХА-9-137-2017 – “Ўрмон ва манзарали дарахтлар

энтомофаунасини ўрганиш асосида зарarli фитофаг турларига қарши самарали кураш усулларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2020).

**Тадқиқотнинг мақсади** Қайрағоч биоценозида учрайдиган асосий Каттиққанотлилар (*Coleoptera*) туркуми вакиллари биоэкологияси, популяцияси, тарқалиши, зарарлилик даражаси ва энтомофаг турларини тадқиқ қилиш. Қайрағочнинг асосий зараркунадаси ҳисобланган қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) турини сонини бошқаришда инновацион ва самарали усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалар:**

қайрағоч биоценозида учровчи каттиққанотлилар (*Coleoptera*) туркумининг асосий вакиллари биоэкологиясини ўрганиш ва систематик бўйича фитофаглик хусусиятларини аниқлаш;

қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) турининг молекуляр (ДНК) идентификациясини аниқлаш ва полемераза занжири реакциясини таҳлил қилиш;

қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) ўрмон биоценозида ривожланишига таъсир этувчи омиллар, ҳудудлар бўйича популяцияларининг динамика ривожланиши ва зичлигини ўзаро таққослаш;

қайрағоч дарахтида шахар мойловдорининг табиий кушанда турларини аниқлаш, систематик таҳлил этиш, зараркунанда бўйича ихтисослашган-лигини тадқиқ этиш;

қайрағоч зараркунандаларининг миқдорини бошқаришда кимёвий ва биологик воситаларни сарф меъёрларини аниқлаш, қўллаш ҳамда самарадорлигини баҳолаш;

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** Тошкент ва Хоразм вилоятлари ўрмон, аҳоли яшаш ҳудудларидаги ўрмон ва манзарали дарахт турлари, қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) ва шахар мўйловдори (*Aeolesthes sarta*), табиий кушанда турлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети сифатида** қайрағоч дарахтларни етиштириш технологияси, қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*)нинг, биоэкологияси, табиий кушандаларининг биологик хусусиятлари, зараркунанда миқдорини бошқариш усуллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Энтомологик ҳисоблар ва кузатувларни В.Яхонтов, Г.Я.Бей-Биенко, Н.В.Бондаренко, А.А.Захваткин, С.А.Муродов, зараркунандаларнинг зичлиги А.В.Голубаева ва Ф.Н.Семевского, тунлам капалакларнинг пушторлиги О.И.Мержеевской, энтомофагларнинг доминантлиги ҳамда уларни кўпайтириш, саклаш ва қўллаш, сифат кўрсаткичлари Х.Х.Кимсанбаев, ўрмон зараркунандаларнинг тур таркибини систематик таҳлил қилиш Ш.Эсонбоев К.К.Фасулати ва С.Н.Алимухамедов, фитофагларнинг зарарлилик даражаси В.И.Танский ва энтомофагларни сифат кўрсаткичларини Б.П.Адашкевич усулларида ҳамда лаборатория ва дала тажрибаларида биологик самарадорлик В.С.Аббот формуласида,

олинган натижаларга К.Гар, Б.А.Доспехов ва Г.Ф.Лакин услублари ёрдамида математик ва статистик таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ҳудудлар бўйича қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) биологик хусусиятлари, ўрмон ва манзарали дарахтлар бўйича популяцияларининг ривожланиши аниқланган;

илк бор қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) турининг молекуляр (ДНК) идентификацияси аниқланди ва полевараза занжири реакциясини таҳлил қилинган;

илк бор қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*)нинг табиий қушандалари аниқланган;

қайрағоч дарахтида қайрағоч баргхўри ва шаҳар мўйловдорининг миқдорини бошқаришда ресурстежамкор усулини қўллаш технологияси ишлаб чиқилган ва самарадорлиги аниқланган;

қайрағоч дарахтида шаҳар мўйловдори миқдорини бошқаришда кураш усуллариининг ҳўжалик - иктисодий самарадорлиги аниқланган ҳамда самарали усул ва воситалар асосида баҳоланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси.** Ўрмон ва аҳоли яшаш ҳудудларида қайрағоч дарахтида учрайдиган қайрағоч баргхўри ва шаҳар мўйловдорининг биологик хусусиятлари, популяциясининг динамик ривожланиши ва энтомофаглар билан ўзаро муносабатлари тадқиқ этилиб, турли экологик ҳудудларда қайрағоч баргхўри ва шаҳар мўйловдори популяция зичлигини ўзаро таққослаш, дарахт турлари бўйича зарарлилик даражасини аниқлаш, зарарқунанда сонини бошқаришда самарадорлиги юкори бўлган усул ва воситаларни қўллаш услублари ишлаб чиқилган.

Қайрағоч баргхўрига қарши қўлланиладиган кимёвий препаратларнинг трихограмма паразит энтомофагига таъсири бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар олиб борилганда Аваунт 15 % к.е. кимёвий препаратини 0,4 л/га меъёрда трихограмма паразитнинг турли босқичдаги фазаларига ишлов берилганда ғумбагининг яшовчанлиги 56,1 %, имаго яшовчанлиги 9,4 % эканлиги ривожланиш учун кетган ўртача муддат 11,5 кун бўлганлиги аниқланди.

Қайрағоч баргхўрининг ривожланиш босқичларига турли кимёвий воситаларнинг таъсирчанлик даражаси ўрганилди ва бунга қўра Атилла 5% эм.к. 7-кунда 94,1 % биологик самарадорлик аниқланди. Матч 5% м.к.сус. 7-кунда 93,8 %, Багира 20% с.э.к. 7-кунда 93,8 %, Индокс 15% сус.к. 7-кунда 94,7 %, Агрофос-Д 55% эм.к 92,5% Проклейм 5% с.е.г. 90,4% ва Два-трин 10 % эм.к. 93,4% биолгик самарадорликлари аниқланди.

Қайрағоч дарахтида учрайдиган қайрағоч баргхўри ва шаҳар мўйловдорига қарши самарали инсектицид турлари тажрибалар асосида ажратиб олинган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация иши тадқиқотларининг тасдиқланган, услубий жиҳатдан тўғри замонавий усул ва воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, амалий натижаларнинг

назарий асосларига мос келиши, олинган натижалар республика ва хорижий олимларнинг тажрибалари билан таққосланганлиги, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижалари бўйича далолатномалар тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қайрағоч баргхўрининг янги икклимлаштирилган тур *Trichogramma dendrolimi* энтомофагини *Coloptera* туркуми вакилларидан – қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) ва шаҳар мўйловдори (*Aeolestes sarta* L) зараркунандаларига қарши қўллашнинг илмий асосланган муддат ва меъёрлари аниқланиши билан изоҳланади. Қайрағоч биоценозида шаҳар мўйловдорининг ривожланиш босқичларига турли кимёвий воситаларнинг биологик самарадорлиги ўрганилганда Вергимек 1,8% эм.к. 78,0%, Акито 10% эм.к. 80,0%, Би -58 40% эм.к. 60,0% , Делдис 2,5% эм.к. 74,5% , Багира 20% с.э.к. 97,0 % , Индокс 15% сус.к. 88,0%, Тайшн с.д.г. 69,5%, Атилла 5% эм.к. 96,0%, Матч 5% м.к.сус. 84,5% , Корбофос 57% эм.к. 80,0%, Моерметрин 25% эм.к. 80,0%, Проклэйм 5% с.э.г. 93,5 % , Два-трин 10%эм.к 92,5% ва Агрофос-Д 55% эм.к 98,0% натажалар қайд эилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) қарши курашда *Trichogramma dendrolimi* турини қўллаганда, Хоразим популяциясида 1:5 нисбатда 30,1-72,6 % , Тошкент популяциясида 42,1-68,5% биологик самарадорликка эришилди, самарали кураш усули амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўрмон ва манзарали дарахтларда қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) биоэкологияси ҳамда улар микдорини бошқаришни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари асосида:

Ўрмон худудларида қайрағоч зараркунандалари, қайрағоч баргхўри ва шаҳар мўйловдори/га қарши “*Coleoptera* туркуми вакилларига қарши уйғунлашган кураш чоралари” номли тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги 2023 йил 27 феврал № 28/1078-сонли маълумотномаси). Натижада ўрмон хўжаликларида қайрағоч дарахтларини сақлаб қолиш ва ёғоч хом-ашёсини сифатли етиштиришда мазкур қўлланмадан муайян даражада фойдаланилмоқда;

илк бор мамлакатимизда қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) зараркунандасининг ДНК идентификацияси аниқланиб, олинган натижалар ишлаб чиқишга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги 2023 йил 27 феврал № 28/1078-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу зараркунанданинг бошқа турларга нисбатан аниқ молекуляр фарқи аниқланган.

Қайрағоч зараркунандаларига қарши кимёвий воситаларни инекциялаш усули қўлланилганда Два-трин 10% эм.к., Агрофос-Д 55% эм.к. Проклэйм 5%

с.э. препаратларини юкори самарадорлиги аниқланган. Олинган натижалар Хоразм ва Тошкент вилоятларининг 1,800 гектар ўрмон хўжалик майдонларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги 2023 йил 27 феврал № 28/1078-сонли маълумотномаси). Натижада қайрағоч зараркунандаларининг миқдорини камайитиришда ўртача 80-86 % гача биологик самарадорликка эришилган.

қайрағоч зараркунандаларига қарши ресурс-тежамкор технология ишлаб чиқилган ва қўлланилган. (Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги 2023 йил 27 феврал № 28/1078-сонли маълумотномаси). Натижада қайрағоч зараркунандаларининг миқдорини бошқаришда сарфланган ҳар бир 1 сўм учун 6-7,5 сўмлик маҳсулот олинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация доирасидаги илмий ишланмалар йиллик ва якуний ҳисоботлар шаклида ҳар йили Тошкент давлат аграр университети апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланган. Тадқиқотдан олинган натижалар бўйича 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, 6 та мақола, 2та халқаро журналларда ва 4 та Республика журналларда нашр этилган, шунингдек, 1та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркибига кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ўрмон биоценозида учрайдиган *Coleoptera* гуркуми вакиллари фаунаси ва улар популяциясини бошқариш**” деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, қўплаб олимларнинг илмий ишлари натижалари ўрганилиб, қайрағоч биоценозида қайрағоч дарахти зараркунандалари, уларнинг биологик хусусиятлари, зарарлилик даражаси, зараркунандаларга қарши курашнинг агротехник, биологик ва кимёвий усулларини ўрганиш

бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари таҳлил қилинган ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

**“Тадқиқот ҳудудининг агроиклимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жой, тадқиқот материаллари ва услублари ёритилган.

Тадқиқотларимиз 2018-2021 йиллари Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳарларида олиб борилган. Тажрибаларимизда қайрағоч биоценозида кўп учрайдиган жиддий зарар етказадиган ҳашаротлар, жумладан, шаҳар мўйловдори ва қайрағоч баргхўри, қайрағоч златкаси асосий объект сифатида олинган. Бунга боғлиқ равишда, диссертацияда мазкур вилоятларнинг иклими, ҳаво ҳароратлари, шунингдек, *Chrysomilidae* оила вакилларининг тур таркиби ва аҳамияти тўғрисида қисқача тавсиф келтирилган. Тошкент ва Хоразм вилоятлари ўрмон ва аҳоли яшаш ҳудудларидаги ўрмон ва манзарали дарахт турлари, қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) ва шаҳар мўйловдори (*Aeolesthes sarta*), табиий кушанда турлари, ўсимликларни химоя қилиш воситалари олинган. Ўрмон ва манзарали дарахтларни етиштириш технологияси, *Xanthogaleruca luteola*нинг ривожланиш хусусиятлари, биоэкологияси, табиий кушандаларининг биологик хусусиятлари, зараркунанда микдорини бошқариш усуллари ҳисобланади.

Диссертация иши тадқиқотларини ўтказишда энтомология ва агротоксикологияда умумқабул қилинган услублар, лаборатория ва дала тажрибаларидан фойдаланган ҳолда бажарилган. Биологик самарадорлиги тажриба ўтказилган жойларда қайрағоч дарахтининг ёғочлик қисмини ўлчаб кўриш йўли билан аниқланган.

Иктисодий самарадорлик В.И.Танский услубига мувофиқ ҳисобланган. Тадқиқотда қайрағоч баргхўри ва қайрағочнинг бошқа турдаги зараркунандаларини молекуляр идентификация қилиш, яни ДНКсини аниқлаш учун бир неча босқичдаги амалий ва услубий ишларни амалга оширилди. Бу услублар тўлиқ илмий тадқиқот давомида амалга оширилган.

Қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) зараркунандасини молекуляр систематикасини аниқлашда Мартин Ҳолтерман, Андре ван дер Вурфф ва Свен ван ден Елсен услуби, ПСР-амплификатсиясини ўтказилган.

Диссертациянинг **“Қайрағоч биоценозида *Coleoptera* туркум вакилларининг учраш даражаси ва уларнинг биоэкологияси”** деб номланган учинчи бобида Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳри қайрағоч биоценозида *Coleoptera* туркуми *Buprestidae* ва *Cerambycidae* оиласи вакилларига тегишли бўлган.

Тадқиқотларда Хоразм вилояти ўрмон хўжалиги “Қоқрали” бўлимида учровчи *Buprestidae* оиласига тегишли 13 турга оид зараркунандаларни аниқладик. Аниқланганлардан 4 турга оид *Cratomerus juglandi* V. Step, *Chrysobothris affinis* nevskyi Richt., *Agrilus pistaciophagus* ва *Agrilus angustulus* Sllig. Энг кенг тарқалган турлар, 6 та тур *Acmaeodera planidorsis* Sem., *Acmaeodera glasunovi* Sem., *Anthaxia plavilshchikovi* Obenb., *Cratomerus intermedius*, *Cratomerus Elaeagni* Richt., *Agrilus pecirkai* Obenb. эса ўрта

даражада ва 3 та тур *Acmaeodera flavofasciata* Pill., *Cratomerus fedtschenkoi* (Sem.), *Chrysobothris nana* Fairm, камрок даражада учраши аниқланди. Ушбу зараркунандаларни тегишлича хўжайин дарахт турларида дарахтларнинг илдизлари, танаси, барглари, мевалари ва шохларига зарар етказиши ва учраш даражалари таҳлил қилинган.

Тадқиқотларни кенгайтириш мақсадида Хоразм вилояти ўрмон хўжалиги “Қоқрали” бўлимида *Cerambycidae* оиласи вакиллариани ҳам тадқиқ қилинган. Натижада 6 та турга оид тана зараркунандалар аниқланди. Танахўр зараркунандалар хўжайин дарахтлар ва зарар етказиш босқичлари келтирилган.

#### 1-жадвал

#### Хоразм вилояти ўрмон хўжалигида учрайдиган *Cerambycidae* оиласи вакилларианинг хўжайин ўсимлик турлари ва учраш даражалари.

(Хоразм вилояти ўрмон хўжалиги “Қоқрали” бўлимида 2019-2021 йй)


№	Зараркунанда номи	Учраш даражалари	Хўжайин ўсимлик тури	Дарахтни зарарлайдиган қисми	Зараркунанданинг зарар етказиш босқичи
<b><i>Cerambycidae</i> оиласи</b>					
1	<i>Aeolesthes sarta</i> Solsky	+++	Қайрағоч Терак Тол Жийда Ўрик Ёнғок	Поя	Қурти
2	<i>Rhopalopus nadari</i> Pic	+	Олма	Поя ва шохлар	Қурти
3	<i>Turanium pilosum</i> Mtt.	++	Терак Олма Тол	Поя, барг, шохлар	Қурти ва имагоси
4	<i>Xylotrechus namangansis</i> Heyd.	++	Терак Олма Тол	Поя ва шохлар	Қурти
5	<i>Chlorophorus faldermanni</i> Fald.	++	Жийда Терак	Поя	Қурти ва имагоси
6	<i>Cleroclytus semenovi</i> B. Jak	+	Ёнғок, Олма, Писта	Қуриган шохлар	Қурти

Илоҳ: Учраш даражалари белгилар бўйича: юқори даражада 75% дан юқори (+++), ўрта даражада учраши 52%-65% гача (++) , паст даражада 12-25% (+).

*Cerambycidae* оиласи зараркундаларидан 1-тур *Aeolesthes sarta* Solsky энг кенг тарқалган ва учраш даражалари юкори эканлиги кузатилган. Ўрта даражада учраган турлар 3-тур *Turanium pilosum* Mtt, *Xylotrechus namanganensis* Heyd, *Chlorophorus faldermanni* Fald. турлар ҳисобига тўғри келди.

Тадқиқотларда Хоразм вилояти шароитида 2019-2021 йиллар давомида шаҳар мўйловдорининг фенологик ривожланиши кузатилиб уларнинг тулик ривожланиш даврлари ҳисобга олинди. Ушбу кузатувлар натижаларига кўра 77 туп манзарали дарактларнинг барчасида ҳам бир хил натижа қайд этилмаган.

Кўп миқдорда зарарланиш қайрағоч дарактида бўлиб, бир тупида ўртача 2019 йилда имаголар миқдори 8,2 та бўлган бўлса, тухумлар сони ўртача 68,3 та, личинкалари 48,3 та ғумбаклари эса 31,5 тани ташкил қилди. 2020 йилда эса имаголар миқдори 11,2 та бўлган бўлса, тухумлар миқдори ўртача 71,3 та, личинкалари 57,6 та, ғумбаклари эса 44,2 тани ташкил қилди. Ушбу тадқиқотнинг 2021 йилда 9,4 та бўлган бўлса, тухумлар миқдори ўртача 70,6 та, личинкалари 51,3 та, ғумбаклари эса 38,4 донани ташкил қилган. (1-расм).



1- расм. Хоразм вилоятининг ўрмон бўлимларида йиллар кесимида *Aeolesthes sarta* Solsky нинг ривожланиш босқичидаги миқдори.

Диссертациянинг “Қайрағоч биоценозида учрайдиган *Chrysomelidae* оиласи вакиллари биоэкологияси ва популяцияларининг турли экологик ҳудудларда динамик ривожланиши” деб номланган бўлимида қайрағоч баргхўрининг ривожланиши, популяция миқдорининг ўзгарувчанлигига боғлиқлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқикотлар 2019-2021 йилларда Хоразм вилоятининг Янгибозор, Хива ва Урганч туманлари ва Тошкент шаҳрининг “Ботаника” боғида қайрағоч дарахтида ўтказилган. Худудлар бўйича иқлим шароитлари ҳар томонлама маълум бир фарқларга эга бўлганлиги сабаб зараркундаларнинг зичлигига кўра танланган. Тадқикотлар баргхўрларнинг қишловдан чиқиш фазасидан тухум, личинка, ғумбак ва имаголик фазасигача бўлган даврдаги популяциясининг ривожланиши ва иқлим омилларнинг таъсири қузатилган. Унга кўра ҳар бир худудларнинг экологик ҳолатига асосан алоҳида ҳисоблар ўтказилган. Дастлаб ушбу худудлардаги дарахтларнинг турлари ва қайрағоч баргхўрлари билан зарарланган дарахтлар алоҳида ўрганиб чиқилган.

Тадқикот натижаларини кенгайтириш мақсадида турли биоценозларда *Xanthogaleruca luteola* зараркундаси популяцияларининг тарқалиши зарарлаш даражалари бўйича тадқикот ишлари олиб борилган. ( 2-жадвал)

Бунга кўра қайрағоч дарахтининг 3 тури *Ulmus pumila* (шоҳланган қарағай) 122,20 мг ва *Ulmus laevis* ва *Ulmus glabra* (силлик ва дағал қайрағоч) 286,65 мг оғирликларда барглари массалари бўйича таҳлил қилинган. *Xanthogaleruca luteola* нинг 1,2,3 ва 4 ёшдаги личинкалари ҳисоб қилиб борилган.

2-жадвал

**Қайрағоч баргхўри личинкаларининг физиологик ривожланишида озика занжирининг ўрни**  
(Тошкент шаҳри “Ботаника боғи” 2019-2021 йй)


Личинкалар- нинг ёши	Личинкаларнинг ўртача оғирлиги, мг	Кунлик энергия сарфи калл/кун	Зарур озика микдори, мг	Барг массасидан олиб ташланган оғирлиги %
<b><i>Ulm pumila</i> (шоҳланган қайрағоч ) баргларнинг ўртача оғирлиги 122,20 мг</b>				
1-ёш	0,35±0,01	0,1269	0,1692	0,1384
2-ёш	4,28 ±0,26	0,8304	1,1070	0,9064
3-ёш	12,58 ± 0,67	1,8639	2,4872	2,0336
4-ёш	16,62± 0,42	2,2968	3,0624	2,5060
<b><i>Ulm laevis</i> ва <i>Ulm glabra</i> (силлик ва дағал қайрағоч ) баргларининг ўртача оғирлиги 286,65 мг</b>				
1-ёш	0,35±0,01	0,1269	0,1692	0,0590
2-ёш	4,28 ±0,26	0,7278	0,9702	0,3385
3-ёш	12,58 ± 0,67	1,5960	2,1280	0,7424
4-ёш	16,62± 0,42	2,1288	2,8386	0,9903

Тадқиқот ишларида қайрағоч биоценозида ва манзарали дарахтлар биоценозида учрайдиган *Chrysomelidae* оиласи вакилларининг биологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида тадқиқотларни Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги манзарали ва ўрмон дарахтларида қаттиққанотли зараркундаларининг ривожланиши ва зарарланишини ўрганиш мақсадида олиб борилган. Дастлаб Тошкент вилоятида зараркундаларнинг зарарланиш даражаси таҳлил қилинган. Тошкент шаҳрининг турли ҳудудларида тол ва қайрағочнинг қаттиққанотли зараркундалари тизимли таҳлил қилиниб, улардан намуналар олинган.

Диссертатсиянинг “*Xanthogaleruca luteola* (*Chrysomelidae*) турининг молекуляр идентификациясини аниқлаш ва полемераза занжири реакцияси таҳлили” деб номланган бўлимида *Xanthogaleruca* авлодига мансуб Хоразм ва Тошкент вилоятларидан йиғилган *X. luteola* турини турли популяциялардан йиғилган 3 та намуналаридан геном ДНК ажратиб олишда GeneJET GENOMIK DNK реагентлар тўпламидан фойдаланилган (2-расм.).

*Xanthogaleruca* авлодига мансуб *X. luteola* турини Хоразм ва Тошкент шаҳри популяцияларидан йиғилган намуналарни секвенез хроматография натижаларига кўра мДНКси COI соҳасининг нуклеотидлар кетма-кетлигини биоинформатик дастурлар ёрдамида таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, *X. luteola* тури намуналари молекуляр ДНКсининг COI соҳасига мансуб 652 жуфт асосга эга нуклеотидлар ажратиб олинган.


Ушбу турнинг намуналари ўртасида хатоликлар аниқланиб, у хатоликлар, *X. luteola* Хоразм вилоятидан йиғилган намунани 230чи нуклеотитида А-аденин, *X. luteola* Тошкент вилоятидан йиғилган намунада G-гуанин нуклеотидлари алмашганлиги билан изоҳланган.



2-расм. *Xanthogaleruca* авлодига мансуб *X. luteola* тур намуналарини геном ДНК си. Изох: *X. luteola* (1, 2, 3 намуналар (Хоразм)), *X. luteola* (4, 5, 6 намуналар (Тошкент)).

Ушбу олинган маълумотларни Биотехнологик ахборотлар миллий маркази Генбаки базаси (Genebank, NCBI) даги *X. luteola* (Кириш рақами: HM433796) тури билан солиштирилиб ўрганилган.

Диссертациянинг “Қайрағочнинг асосий зараркундалари турларини бошқаришда самарали энтомофаг турларини танлаш ва самарадорлигини аниқлаш” деб номланган тўртинчи бобида қайрағоч баргхўрига қарши трихограмма авлодларидан *Trichogramma dendrolimi* 1:5, 1:10 ва 1:15 нисбатларда қўлланилди. Тадқиқотлар ўтказилган кунлар ҳаво ҳарорати  $+28\pm 2^{\circ}\text{C}$  ва ҳавонинг нисбий намлиги  $56\pm 2\%$  бўлганлиги кузатишган.



3- расм. Қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) га қарши *Trichogramma dendrolimi* турини қўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш.  
(Тошкент шаҳри Ботаника боғи 2019-2021 й)

Унга кўра биринчи вариантимида *Trichogramma dendrolimi* турини қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) зараркунанда тухумларига қарши 1:5 нисбатда миқдоридида қўллаганимида 5-кун 42,1%, 10-кун 56,2%, 14-кун 68,5% биологик самарадорликка эришилган.

Иккинчи вариантимида қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) тухумларига қарши *Trichogramma dendrolimi* турини 1:10 нисбатда қўллаганимида 5-кун 31,4%, 10-кун 36,6%, 14-кун 44,1% биологик самарадорликка эришилган.

Учинчи вариантимида эса *Trichogramma dendrolimi* турини қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) зараркунандаси тухумларига қарши 1:15 нисбатларда қўллаганимида 3-кун 22,7%, 5-кун 29,1%, 7-кун 41,3 % биологик самарадорликка эришилгани аниқланган.


Диссертациянинг “Қайрағочнинг асосий зараркундалари миқдорини бошқаришда қарши курашнинг замонавий технологиялари ва уларнинг самарадорлиги” деб номланган бешинчи бобида қайрағоч баргхўри ва шаҳар мўйловдорига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги натижалари келтирилган.

Тадкикотларни Тошкент шахри ва Хоразм вилояти худудларида қайрағоч баргхўрига қарши 7 турдаги кимёвий препаратлардан фойдаланилди ва биологик самарадорлиги аниқланган.

Кимёвий воситалар моторли пуркагич қўл аппарати ёрдамида бажарилиб, дарахт танаси бўйлаб баландлиги бўйича бир текис қилиб пуркалди. Пуркалган даврда ҳаво ҳарорати +22°C, шамол тезлиги секундида 1-2 метр, нисбий ҳаво намлиги 62% ни ташкил етди. Қўлланилган препаратларнинг самарадорлиги 3-, 7-, 14-кунларда назорат қилинган.

Унга кўра Атилла 5% эм.к қўлланилганда биологик самарадорлик 3-кунда 73,0%, 7-кунда 90,3%, 14-кунда 84,6% эканлиги аниқланди. Матч 5% м.к.сус. препарати қўлланилганда 3-кунда 60,4%, 7-кунда 86,0%, 14-кунда еса 79,0% эканлиги кузатилди. Багира 20% с.е.к. препарати қўлланилган вариантда ҳам 3-кунда 64,8%, 7-кунда 88,8%, 14-кунда 79,6% самарадорлик кўрсатди. Индокс 15% сус.к. препарати қўлланилганда эса самарадорлик 3-кунда 73,9%, 89,1%, 14-кунда 84,7% гача қўнғизлар миқдори камайган. Дватрин 10% эм.к. препарати қўлланилган вариантда ҳам юқори самарадорлик 7-кунда 89,1% бўлган бўлса, Агрофос-Д 55% эм.к. препарати қўлланилган вариантда 3-кунда 66,6%, 7-кунда 91,1% гача кузатилган бўлса, 14-кунга бориб самарадорлик пасайди ва 71,4% эканлиги аниқланди. Проклейм 5% с.э.г. препарати қўлланилган вариантда 3-кунда биологик самарадорлик 64,7%, 7-кунда 85,7%, 14-кунда 82,6% самарадорликка эришилган. Юқоридаги тадқиқотларнинг барчасида самарадорлик 7-кунда эканлигини кузатиш мумкин. 14-кунга бориб зараркунандалар миқдори ўртача бир тупда 0,9 дона эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг “Қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) миқдорини бошқаришда кураш усулларининг ҳужалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш” деб номланган бўлимида кимёвий ва биологик усулларда қўлланилган воситаларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.



4-расм. Қайрағоч дарахтида қайрағоч баргхўрига қарши қўлланилган химия гадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги

Қайрағоч баргхўрига қарши қўлланилган усул ва воситаларнинг иктисодий самарадорлигини ўрганиш давомида, иккинчи тадқиқотларимизда *Trichogramma dendrolimi* ни 3 хил нисбатда қўлланилди ва самарадорликлар олинди. Бунга қўра *Trichogramma dendrolimi* 1:5 нисбатда қўлланилганда назоратга нисбатан 13,8 м<sup>3</sup>; *Trichogramma dendrolimi* 1:10 нисбатда назоратга нисбатан 11,2 м<sup>3</sup>; *Trichogramma dendrolimi* 1:15 назоратга нисбатан 7,7 м<sup>3</sup>; ҳосил сақлаб қолинган.

Қайрағоч баргхўрига қарши биологик химоя қилиш усулларининг рентабеллиги эса куйидагича бўлди: *Trichogramma dendrolimi* 1:5 - 727,8 %; *Trichogramma dendrolimi* 1:10 - 611,2 %; *Trichogramma dendrolimi* 1:15 - 352,1%. Юқорида келтирилган усуллар асосида ушбу воситалар белгиланган сарф меъёрларида қўлланилган.



5-расм. Қайрағоч дарактида қайрағоч баргхўрига қарши қўлланилган химоя гадбирларнинг иктисодий самарадорлиги

Иккинчи вариантимизда Қайрағоч зараркунандасига қарши Атилла 5% эм.к. (0,7 л/га) инсектициди қўлланилган вариантда назоратга нисбатан – 17,7 м<sup>3</sup>, Матч 5% м.к.сус. (0,7 л/га) инсектицидида – 16,3 м<sup>3</sup>, Багира 20% с.э.к. (0,5 л/га) – 15,4 м<sup>3</sup>, Индокс 15% сус.к. (0,7 л/га) – 16,1 м<sup>3</sup>, Агрофос-Д 55% эм.к (0,7 л/га) инсектицидида – 18,8 м<sup>3</sup>, Проклейм 5% с.э.г. инсектицидида – 13,2 м<sup>3</sup> ва Два-трин 10 % эм.к. (0,7 л/га) инсектицидида – 15,3 м<sup>3</sup> ҳосил (ёғоч) сақланиб қолинган.

Қайрағоч зараркунандасига қарши қўлланилган усул ва воситаларнинг рентабеллиги турли вариантларда фаркланиб, 511,3 % (Проклейм – 0,7 л/га) 625,6 % гача (Агрофос – 0,7 л/га) ораликда ташкил қилди. Қайрағоч баргхўрига қарши қўлланилган восита ва усулларнинг биологик ва иктисодий самарадорлигига баҳо беришда маълум бўлдики, Проклейм – 0,7 л/га инсектицидининг биологик ва хўжалик самарадорликлари энг кам кўрсаткич

кайд этиб 511,3% Матч 5% (0,7 л/га) ва Багира (0,7 л/га) инсектицидлари деярли тенг 581,6 ва 581,5% иктисодий самарадорлиги кейингиларга нисбатан эса юкори бўлган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент шаҳри “Ботаника боғи” бўйича шаҳар мўйловдори популяциясининг ривожланиши 2019, 2020, 2021 йилларда кузатилганда энг кўп давр 2021 йилда эса ушбу миқдорга кўра хар 10 тупдаги имаголари 5,4 дона тухумлари 64,6 дона, личинкалари 46,3 дона ва гўмбакалари эса 25,5 донагача кузатилди.

2. Қайрағоч биоценозида умумий 14 турдаги зараркундалар аниқланиб, улар орасида энг кенг тарқалган қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola* Muell.) 11,2 %, хидли дарахт танахўри (*Cossus cossus* L.) 14,7% ва шаҳар мўйловдори (*Aeolesthes sarta* Solsky.) умумий зараркундаларга нисбатан 12,3% миқдорда зарарлаш даражалари аниқланди.

3. *Xanthogaleruca* авлодига мансуб *G. luteola* турини Хоразм ва Тошкент шаҳри популяцияларидан йиғилган намуналарни секвенез хроматография натижаларига кўра мДНКси СОI соҳасининг нуклеотидлар кетма-кетлигини биоинформатик дастурлар ёрдамида таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, *G. luteola* тури намуналари мДНКси СОI соҳасига мансуб 652 жуфт асосга эга нуклеотидлар ажратиб олинди.

4. Қайрағоч дарахтлардаги баргхўрларнинг табиий паразит кушандаларидан *Lydell niqripes* Fall, *Elosmus albipennis* Thomson., *Coccinella septempunctata* L., *Chrysopa septempunctata* Wesm., *Dendrasoier protuberans* тури, *Microefus tumidulus* Nees. *Aspidocolpus carinatos* Nels., *Chiropochys colon* L., *Entedon tenuitaris* Thoms. турлари ҳам зараркундаларнинг миқдорини бошқаришда фаол иштирок этиши аниқланди.

5. Қайрағоч биоценозида учрайдиган қайрағоч баргхўри зараркундасига қарши қўлланиладиган кимёвий препаратлардан Аваунт 15% к.е. 0,4 л/га кимёвий препаратини *Trichogramma dendrolimi* паразит энтомофаги билан интегратсия қилиш мумкинлиги исботланди.

6. Қайрағоч баргхўрига қарши кимёвий препаратларнинг 7 турдаги таъсир этувчи модадага эга Багира 20% с.э.к. 0,5 кг/га (93,6 %), Индокс 15% сус.к. 0,45л/га (94,7%), Атилла 5% эм.к. 0,5 л/га (94,1%), Матч 5% м.к.сус. 0,4 л/га (93,8%), Проклэйм 5% с.э.г. 0,4 кг/га (90,4%), Два-трин 10%эм.к (93,4%), Агрофос-Д 55% эм.к (92,5%) каби кимёвий моддалар ва уларнинг биологик самарадорликлари аниқланди.

7. Имаголарига қарши пуркаш йўли билан қўлланилган кимёвий воситаларнинг самарадорлиги аниқланганда 7-кунда Багира 20% с.э.к., Атилла 5% эм.к., Матч 5% м.к.сус., Агрофос-Д 55% эм.к., Проклэйм 5% с.э.г. 100% натижага эришилди.

8. Қайрағоч баргхўрига қарши қўлланилган кимёвий ва биологик воситаларнинг иктисодий самарадорликлари аниқланди. Унга кўра сарфланган бир сўмнинг окланиши оддий усулда кимёвий воситаларни

пуркашда 7-7,2 баробар, биологик усулда эса 5-6 мартаба оқланиши аниқланди.

9. Қайрағоч баргхўри (*Xanthogaleruca luteola*) зараркундасига қарши *Trichogramma dendrolimi* турини қўллашда уч хил вариантда илмий изланишлар олиб борилди. 1:5, 1:10 ва 1:15 нисбатларда қўлланилди. Натижада энг 1:5 нисбатда қўлланилганида 5-кун 30,1 %, 10-кун 49,8 %, 14-кун 72,6 % биологик самарадорликка эришилди ва тавсия ишлаб чиқаришга тавсия қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.10.2020.QX.126.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АНДИЖАНСКОМ  
ИНСТИТУТЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ЯКУБОВ ФАРРУХ КАМИЛЖАНОВИЧ**

**БИОЭКОЛОГИЯ ВСТРЕЧАЮЩИХСЯ В БИОЦЕНОЗЕ КАРАГАЧА  
ВРЕДИТЕЛЕЙ И МЕТОДЫ УПРАВЛЕНИЯ ИХ ЧИСЛЕННОСТЬЮ**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2023.1.PhD/Qx1077.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.andaxi.uz](http://www.andaxi.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:** Эсанбоев Шамси  
кандидат биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Юсунова Махнуза Нумановна  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор.

Шукуров Хушвакт Мамасалиевич  
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** Институт зоологии Академии наук Республики Узбекистан

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится на заседании Научный совет Phd.05/30.10.2020.Qx.126.01 по присуждению учёных степеней при Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологии «22» 12 2023 г. (Адрес: 170600, Андижанский район, городок Куйган-ёр, улица Олийгох, дом 1. Тел.: (+99874) 373-10-54, факс: (99874) 373-13-63, e-mail: [agaj\\_info@edu.uz](mailto:agaj_info@edu.uz). Административный корпус Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии, 1 этаж, зал заседаний).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии (зарегистрирована под № 621911). Адрес: 170600, Андижанский район, городок Куйган-ёр, улица Олийгох, дом 1. Тел.: (+99874) 373-10.

Автореферат диссертации разослан «15» 12 2023 года.  
(рестр протокола рассылки № 46 от «15» 12 2023 года).



А.Исашев  
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, к.с/х.н., профессор

А.Н.Жураев  
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с/х.н., (PhD) доцент

К.С.Комилов  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, к.с/х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире общая площадь лесов составляет более 4 миллиардов гектаров, а площадей, которые вырубаются и используются не по назначению 13 млн. гектаров. “По данным ФАО, площадь лесных массивов, пораженных вредными насекомыми, превысила 35 миллионов гектаров. В США и Канаде из-за распространения только одного вида вредителей (*Dendroctonus ponderosae*) пострадало 11 млн гектаров лесных площадей”<sup>1</sup>. С целью сохранения лесных массивов, улучшения их санитарного состояния международными организациями, такими, как ООН (UNDP), GTZ, ФАО организуются проекты, и в этом направлении достигнуты положительные результаты.

Как показывают результаты исследований, проведенных в мировом лесоводстве, большой экономический урон в лесном биоценозе наносят представители отрядов Coleoptera и Lepidoptera. Однако, в лесном биоценозе из их энтомофагов более 50 тысяч являются паразитирующими видами, основными из них являются представители семейств *Trichogrammatidae*, *Scelionidae*, *Ichneumonidae*, *Braconidae*, *Ptelomalidae*, *Eulophidae*, *Chalcididae*. Они регулируют численность лесных вредителей. В последние годы, в результате интенсивного освоения природы, можно наблюдать резкое увеличение популяции вредителей и ослаблением в несколько раз борьбы с ними. Актуальное значение имеет создание, применение и широкое внедрение новых нанотехнологий методов защиты растений.

В нашей стране борьба против широко распространенных на лесных деревьях вредителей: вредитель карагача, городской усач, пахучий древоточец, тутовая пяденица, моли, коросды, пильщики, броненосцы ва листовертки превратилась в одну из актуальнейших проблем. Особенно большой экономический ущерб от вредителей несут лесные деревья северного региона нашей страны. В Постановлении Президента Республики Узбекистан № 4850 от 6 октября 2020 года «Об утверждении Концепции развития системы лесного хозяйства Республики Узбекистан до 2030 года»<sup>2</sup> в качестве одной из основных задач отмечено совершенствование методов применения средств борьбы против вредителей лесных и декоративных культур. При выполнении данных задач важное значение имеет изучение управления численностью вредителей в природе в борьбе против них, а также разработка инновационных технологий борьбы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан № ЗРУ-409 от 21 сентября 2016 года «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «Об охране и использовании растительного мира»», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4424 от 23 августа 2019 года «О дополнительных мерах по повышению эффективности

<sup>1</sup> FAO.org.Forest health, 2010

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/-4487068>

лесопользования в республике», Законе Республики Узбекистан № ЗРУ-484 от 9 июля 2018 года «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О карантине растений»», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии со следующими приоритетными направлениями развития науки и технологий республики: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды» и ИТД-7 «Рациональное использование природы и экология».

